



**Илиқ ёмғирлар қалбга осойишталик бахш этиб, баҳор қуёши киприкларимизни аллалаган мўъжизавий кўклам кунлари Ўзбекистонимиз янада кўркамлашади, сулувлашади. Кўҳна минорлар, янги меъморий либос кияётган шаҳар ва қишлоқлар бу шукуҳли салтанатга улуғворлик бахш этади.**

**Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**




# АДАБИЁТИМИЗНИНГ ЙИРИК НАМОЯНДАСИ

Одил Ёқубов — ҳозирги замон ўзбек адабиётининг забардаст намояндаларидан биридир. Деярли ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида қизғин ва сермаҳсул ижод қилиб келаётган адибимизнинг ўнлаб ҳикоялар тўпламлари, бири-биридан мароқли қиссалари, салмоқли романлари ва драматик асарлари ҳамда улкан публицистик ижодиёти — адабиётимизнинг ҳақли равишда энг жиддий ютуқларидан ҳисобланади.

Бу адибимиз бутун ижоди давомида ҳаёт ва инсон тўғрисида одил ҳақиқатларни баралла айтиб келмоқда ва худди шу хислати билан халқимизнинг самимий меҳрига сазовордир.

Одил Ёқубовнинг кўпгина асарлари собиқ шўро тузуми даврида яратилган. Аммо шуни айтишимиз керакки, шўро тузуми адабиётни синфий ва коммунистик ақидалар қуролига айлантириш учун курашиб турган бир шароитда Одил Ёқубов энг яхши ёзувчиларимиз қаторида ўз асарларини юксак маънавият учун, инсондаги инсонийликнинг тантанаси учун курашга сафарбар этди.

Оқсоқол адибимизнинг бугунги табаррук тўйи кунида яна бир ҳақиқатни бор овоз билан айтиш виждоний бурчимиздир. Одил Ёқубов том маънодаги чуқур ватанпарвар, халқпарвар, янада аниқроқ қилиб айтсак, миллатпарвар адибдир. Унинг, хусусан, 80-йилларнинг иккинчи ярмидаги оташин публицистик фаолияти, пахта яккаҳокимлигининг аянчли оқибатлари, Орол денгизи фожиаси, ўзбек йигитларининг собиқ совет армияси таркибидаги нохуш ва ҳатто кулфатли тақдири ҳақидаги кенг миқёсдаги чиқишлари, ниҳоят, «Ўзбек иши»нинг ғаламис ташкилотчилари билан жанглари... адибимизнинг бугунги оппоқ оқарган сочларига ана шулар ҳам сабабчи бўлгандир, эҳтимол.

Одил Ёқубов фаол жамоат арбоби сифатида айни кунларда ҳам мустақиллигимиз ютуқларини мустаҳкамлашга ғайрат билан ҳисса қўшмоқда. У Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси раҳбарларидан бири ва республика Атамашунослик қўмитасининг раиси сифатида қизғин фаолият билан машғул.

«Халқ сўзи» газетаси саҳифаларида яқинда Одил Ёқубовнинг тилимизнинг давлат тили мақомига эришиш йўлидаги учраб турган айрим жиддий муаммоларга бағишланган мақоласи эълон қилиниб, у кенг жамоатчиликнинг катта қизиқишига сазовор бўлди. Газета ҳамон ушбу мақола юзасидан ўз ўқувчиларидан тўхтовсиз мактублар олиб турибди ва уларнинг энг жиддий фикр-мулоҳазали намуналари эълон қилиб борилмоқда.



Табаррук 70 йиллик тўйи нишонланаётган кунларда газетамиз таҳририяти ходимлари ва унинг кенг ўқувчилари оммаси номидан устоз адибимизни чин юракдан муборакбод этамиз, унга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва янги ижодий ютуқлар тилаймиз.

## ЧИНГИЗ АЙТМАТОВДАН МАКТУБ

***Қимматли Одилжон!***

***Сен билан биз бир даврга мансуб одамлар бўлганлигимиз ва тақдиримиз ҳам жуда-жуда ўхшаш эканлиги сабабли, сенинг 70 йиллигинг адабиётдаги ва ижтимоий ҳаётдаги бизнинг авлод тарихига доир бир воқеа сифатида менинг қалбимга азиздир.***

***Ўзбек насри сенинг ижодиётинг тимсолида ўз тараққиётининг янги бир даражасига эришди — у риторик андозалардан жаҳон адабиёти реализмининг эстетик мезонларига кўтарилди.***

***Яна шуни алоҳида мамнуният ва миннатдорчилик билан таъкидлашни истардимки, сен ҳаммамиз учун муҳим бўлган, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг эзгу нияти билан вужудга келган Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг жонкуярларидан бирисан ва унинг биринчи қадамларидан бошлаб Тошкентдаги кундалик ишларини муваффақиятли бошқариб келаяпсан. Шундай қилиб, бизнинг тарихий шароитимизда Туркистон маданиятини қайтадан ривожлантиришнинг янги йўлларини излаш бевосита сенинг шахсиятингга ҳам тааллуқли фаолият бўлиб қолди.***

***Қимматли Одилжон, мен сенга соғлиқ-саломатлик тилайман, қолгани ўзингга, сенинг донишманд ақл-идрокинг ва иродангга боғлиқ.***

### МОЗИЙДАН САДОЛАР

# ҚУББО ТАНГАЛАРИ

Улуғ мутафаккир Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик тўйи муносабати билан салкам ўн асрдан буён тупроқ остида осуда ётган Қува Шаҳристонида катта кўламдаги қазиш, изланиш, илмий текширишлар олиб борилаяпти.

Улуғ бобомизнинг таваллуд тўйи шарофати ила водий археологларининг бир неча йиллик орзулари ушала бошланди.

Маълумки, 50-йилларда академик Яҳё Ғуломов раҳбарлигида Шаҳристоннинг бир қисми қазиб ўрганилган эди. Ўшанда бу ерда топилган Будда санами ва ибодатхонаси асримизнинг ноёб топилмаларидан бири деб эътироф этилган эди. Айни кунларда Шаҳристоннинг жануби-шарқий мавзеида қазиш ишлари олиб борилаяпти. Шаҳар мудофаа деворининг қолдиқлари аниқланди. Ана шу деворнинг қулаган қисмини тозалаш жараёнида тасодифан YIII асрга оид тангалар хазинаси топилди. Мазкур тангалар ишланиши, зар берилиши жиҳатидан археологлар ўртасида анчадан бери машҳур бўлган «Қуббонинг типик тангалари» сирасига мансуб эканлиги аниқланди.

Бу кўринишдаги тангалар илгарилари ҳам учраб турарди. Айниқса, қазилма ишлари бошлангандан сўнг Шаҳристон атрофида яшовчи аҳоли бу ердан илгари топиб олган тангаларини экспедиция аъзоларига олиб келиб топширишган ҳам эди. Аммо пахта матосидан тўқилган халтачага солинган 200 дан зиёд тангаларнинг топилиши илмий изланишлар тарихида ноёб ҳодиса ҳисобланади.

— Бундай хазинанинг топилиши илмий экспедициямизнинг ютуғи бўлди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти Қува экспедициясининг раҳбари, тарих фанлари номзоди Боқижон Матбобоев. — Водийдаги бирорта қадимий манзилдан шу хилда зарб қилинган тангалар топилгани йўқ. Бу топилма Қуббо YII-YIII асрларда Фарғона водийсининг танга зарб қиладиган асосий маркази бўлганлигини яна бир бор исботлайди.

Халтачаларда 50 тача мунчоқ, 6 дона соч тўғноғичи ва бронза ойнак ҳам топилди. Мунчоқлар қимматбаҳо тошлар — феруза, ҳақиқ ва садафдан ясалган. Асосан, Ҳинд океани қирғоқларидан келтирилган чиғаноқлар мавжудлиги топилманинг халқаро аҳамиятга молик эканлигига урғу беради. Маълумки, Фарғона ўрта асрларда шишачиликнинг асосий манзилларидан бири сифатида тилга олинар эди. Мунчоқлар орасидаги шишадан ишланган тақинчоқлар бу фаразларнинг тўғрилигини яна бир карра исботлади.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИ, ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ҲАМДА ЛИЗИНГ КОМПАНИЯЛАРИ ДИҚҚАТИГА !

Миллий экспортчиларнинг халқаро сармоялар, товарлар ва хизматлар бозорларида иқтисодий манфаатларини суғуртавий ҳимоя билан таъминлаш мақсадида

# "ЎЗБЕКИНВЕСТ"

## экспорт-импорт миллий суғурта компанияси



**экспорт шартномалари бўйича тижорат банкларининг кредит маблағлари ва тўловларни сиёсий ва тижорат қалтисликларидан суғуртавий ҳимояларини таклиф этади.**

"ЎЗБЕКИНВЕСТ" компанияси хорижий харидорнинг экспорт шартномалари бўйича олган мажбуриятларини бажармаган ҳолларда қуйидаги суғурта қопламаларини кафолатлашни ўз зиммасига олади:
***товар ва хизматларни экспорт қилувчилар учун*** —
харидорга амалда жўнатилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматнинг тўлиқ қийматини;
***тижорат банклари учун*** —
бериладиган кредит миқдори ва улар бўйича фоизларни;
***лизинг компаниялари учун*** —
лизинг шартномалари бўйича тўловлар миқдорини.

Экспорт суғуртаси бўйича мажбуриятлар, "ЎЗБЕКИНВЕСТ" экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг асосий таъсисчиси—Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг кафолати билан таъминланган.

"ЎЗБЕКИНВЕСТ" компанияси қалтисликлар бўйича қопламаларни сўм ёки бошқа эркин муомаладаги валюталарда амалга оширади.

"ЎЗБЕКИНВЕСТ" компанияси экспорт шартномалари ва банк кредитларини суғурталаш бўйича хизматларига қўшимча равишда, экспортчиларга маҳаллий маҳсулотларини халқаро бозорларга кириб бориш комплекс маркетингини ташкил этиш бўйича ёрдам беришга тайёрдир.

**Барча қўшимча ахборотларни Сиз қуйидаги манзиллар орқали олишингиз мумкин:**

**"ЎЗБЕКИНВЕСТ" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси:**
Тошкент ш.,700017,Х. Сулаймонова кўчаси,49
тел.: (371) 133 05 56, 136 77 79
факс: (371) 133 07 04,
(3712) 40 65 38

UNIC

**"ЎЗБЕКИНВЕСТ" компаниясининг ҳудудий шўъба корхоналари:**

**Қорақалпоғистон Республикаси**
Нукус ш., 742000, Шомуротов кўчаси, 86
тел./факс: (36122) 79944

**Андижон вилояти**
Андижон ш.,710011,«Тинчлик» кўчаси,9а
тел./факс: (37422) 57602, 57601

**Бухоро вилояти**
Бухоро ш.,705018, Ҳамза кўчаси,6
тел./факс: (36522) 33165, 35415

**Жиззах вилояти (ваколатхона)**
Жиззах ш.,708000, Ш. Рашидов кўчаси,2
тел./факс: (37222) 34890

**Навоий вилояти**
Навоий ш.,706800, Халқлар Дўстлиги кўчаси,77а
тел./факс: (43622) 32273, 33671

**Наманган вилояти**
Наманган ш.,716000, А.Хўжаев кўчаси, 59
тел./факс: (36922) 63163

**Самарқанд вилояти**
Самарқанд ш.,703000, «Почта» кўчаси, 13
тел./факс: (3662) 330882, 312350

**Сурхондарё вилояти**
Термиз ш.,732006, Гагарин кўчаси, 34
тел./факс: (37622) 31983

**Сирдарё вилояти (ваколатхона)**
Гулистон ш., А. Навоий шоҳ кўчаси, 46
тел.: (3672) 251049

**Тошкент вилояти**
Тошкент ш.,4—мавзе, Лисунов кўчаси, 68
тел./факс: (3712) 971609, 940515

**Фарғона вилояти**
Фарғона ш., А. Навоий кўчаси,1
тел./факс: (3732) 249912, 249910

**Қўқон ш. (Андеррайтерлик агентлиги)**
«Истиқлол» кўчаси,25
тел.: (255) 23419

**Хоразм вилояти**
Урганч ш.,740000,Пушкин кўчаси,2
тел./факс: (36222) 67705

**Қашқадарё вилояти**
Қарши ш.,730000, «Ўзбекистон» кўчаси,243
тел./факс: (37522) 52945

**Бош Андеррайтерлик Агентлиги:**
Тошкент ш.,700040,4—мавзе, Лисунов кўчаси, 68
тел.: (3712) 940909, 942525
факс: (3712) 940515

**«Ўзбекинвест Эксиминформ» Маркетинг Агентлиги**
Тошкент ш.,700017,
Ҳ. Сулаймонова кўчаси, 49
тел.: (371) 13305 46
факс: (3712) 40 65 38



«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
*Парламент 133-57-34;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;*
*Иқтисодиёт 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги 136-37-85*
*Маънавият 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-18-08;*
*Халқаро ҳаёт 132-11-15;*
*Котибият 133-10-28;*
*Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 019, 35059 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
**Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.**
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ш. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 01.45* 1 2 3 4 5 6